



Исми.

Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Хаттоб Самаркандий Тусий Балхий. Баъзилар Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад (ёки Муҳаммад) ибн Иброҳим Самаркандий дейишган.[1]

Лакаби.

А. Ал-Факих. Бу таникли лакаби. Бу лакабдаги “ал” артикили унинг фикх борасида

замондошларидан ҳеч ким тенглаша олмайдиган даражага эришганига далолат килади. Ундан бошқа факих йўқ дейилгандек.

Абу Лайс бу лакабини ёктирар, уни ўзига шараф санарди. Абу Лайс “Танбех ал-гофилийн” асарини тамомлагач, уни Росулulloхнинг равзаларига кўйди. Шу кеча тушида пайгамбаримизни кўрди. У зот китобни тутказаркан: “Китобингни ол, ей факих”, - дедилар. Уйғониб караса китобда у зотнинг кўл излари бор эди. Шу сабабли Самаркандий бу лакабини яхши кўрар эди.[2]

Б. Имам ал-худа. Бу лакаб Абу Мансур ал-Мотуридийга ҳам берилган.[3]

Куняси. Куняси Абу Лайс. Бу кунялари машхурлигидан исмлари ўрнига ҳам ишлатиладиган бўлди. Баъзан бунга лакаблари кўшилиб “Факих Абу Лайснинг сўзи” дейиларди.

Таваллуди. Абу Лайс тугилган йили аниқ эмас. У даврда кишиларнинг таваллуд саналари белгилаш одат тусига кирмаганди. Бу кишининг келажакда улуг олим бўлишлари ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди.

Шунга карамай, тарихчилар у киши таваллудларини тахминан 301-310 хижрий йиллар оралигида бўлганини айтишган.

Вафоти. Манбаларда у кишининг вафотлариги оид турли маълумотлар келган.

- Довудий ўзининг “Тобакот ал-муфассирийн” асарида у киши 393 хижрий сананинг 11 Жумадул аввал тунда вафот этган деган.[4]

- “Тобакот ас-санийя фи тарожим ал-ханафийя” асарида 383 йилнинг 3 чисида дейилган.

- “Тож ат-тарожим”да 375 хижрий йилда дейилган.[5]

- “Жавахир ал-мазийя”да 373 йилнинг 3 чисида дейилган.[6]

- “Кашф аз-зунун”да Хожи Халифа Абу Лайс 376 ёки 383 ёки 393 хижрий йилларнинг бирида вафот этганини айтади.[7]

- “Тарих ат-тирос ал-аробий”да унинг вафоти 373 йилда бўгани, 375 ва 393 деган сўзлар ҳам борлиги айтилган.[8]

- “Мўъжам ал-муаллифийн”да 393 йилда вафот этгани айтилган.

- Суютий: Айям ат-толийъ???да вафот этган деган.

- “Навазил”да 396 хижрий сананинг 11 жумадул охир тунда 55 ёшида вафот этгани айтилган.

Оиласи. Таржимаи хол китобларида у кишининг оиласи хакида ҳеч нарса дейилмаган. Бунга оилаларидан оталари ва ўзларидан бошқа машхур киши бўлмагани сабаб бўлиши мумкин.

Устозлари:

1. Илк устозлари – оталари Мухаммад ибн Иброхим Тусийдир. У киши фазилатли ва такводор факих эдилар. Абу Лайсга ёшликларида илм берганлар. У кишининг кўп кавллар бахрул улумда “Отам сўзлаб берди” маъносидаги жумладан сўнг келган.

2. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Умар Хиндувани Балхий (362 х. ваф.).[9]

Илмни Муҳаммад ибн Акийл Балхий ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Саиддан олганлар.

У кишида Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Хамадон, Абу Исхок Иброхим ибн Муслим ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий, Абу Абдуллох Тохир ибн Муҳаммад Хаддодий ва бошқалар ривоят қилишган. 362 хижрийда Бухорода вафот қилиб, Балхда дафн қилинган.

3. Ал-Халил ибн Ахмад ал-Кози ас-Сижзий (289 -378 х.)– Самарканд козиси. Имом, Кози ва Ханафий шайхи деган лақаблари мавжуд. Илмни Абул-Косим Баговий, Яхё ибн Соид, Ибн Хузайма, Абул-Аббос Сирож, Муҳаммад ибн Иброхим Диблий Маккий, Ибн Жусо ва бошқалардан ўрганган.

Ундан Хоқим, Абу Яъқуб Исхок Корроб, Абдулвахоб ибн Муҳаммад Хаттобий, Жаъфар Мустағфирий, Абу Зар Хировий ва бошқалар ривоят қилишган.

Хоқим: “У ўз даврининг роъй уламолари шайхи. Энг гўзал маъруза қиладиганлар эди”, - деган.[10]

4. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Фазл ибн Аббос Балхий (317 х. ваф.).[11]

Балхнинг воизи, шайхул ислом, катта зоҳид. Ахмад ибн Хузровайхнинг соҳибларидан. Қутайба ибн Саиддан охирги ривоят қилган киши.

У кишидан Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллох Розий ва Абу Барк ибн Муқриълар ривоят қилишган.

Мухаммад ибн Фазл тарикат сохиблардан эди. У кишидан бир канча хикматли сўзлар ривоят килинган.

“Тўрт кишидан ислом кетади: билганига амал килмайдиган, билмаганига амал киладиган, билмаганини ўрганмайдиган ва кишиларни илмдан тўсадиган киши”.

Балх уламолари билан бўлган келишмовчиликдан сўнг Самаркандга кўчиб ўтганлар. 317 йилда шу ерда вафот килганлар.[12]

Шогирдларидан машхурлари:

1. Лукмон ибн Хаким ал-Фаргоний. Абу Лайсинг китобларини ривоят килган.
2. Нуъайм Хатиб Абу Молик. У кишидан ривоят килганалардан.
3. Мухаммад ибн Абдуррахмон Зубайрий. Ровийлардан.
4. Ахмад ибн Мухаммад Абу Сахл. Ровийлардан.
5. Тохир ибн Мухаммад ибн Ахмад ибн Наср Абу Абдуллох Хаддодий.

Илмий савиялари.

Фикх. Олдин айтиб ўтилганидек, замонларида фикх борасида ягона бўлганларидан “Ал-Факих” деб аталганлар.

Акоид. Абу Лайс замондошлари орасида калом ва тортишув илмларини мукаммал билиши билан ажралиб турарди. Самъоний роҳимахуллох айтадилар: “Абу Ханифага эргашувчилардан эди. Тортишув ва мунозара билан танилган шахс эди”.

Чет тиллари. Муаллиф араб тилидан ташқари форс тилини билганлар ва бу тилда шеърлар битганлар. У кишининг тафсирилари билан танишган киши, араб тилига мансуб бўлмаган сўзларнинг ҳам маънолари очиклаб кетганларини кўради. Масалан [13]□□□□□□ .дейди англатади маъносини “бог” тилида Рум сўзини “Фирдавс” оятдаги □□□□□□□□ □□□□□□

Лекин бу нарса у кишининг бу тилларни билганларини англатмайди. Бу сўзларнинг маъносини ўзларидан олдин ўтган муфассир ва тилшуносларнинг асарларидан олган бўлишлари мумкин.

У киши узларининг жамиятларида кенг тарқалган форс тилини мукаммал билганлар. Бу тилда шеърлар битиб турганлар. Бундан ташқари яхудий олимлари билан учрашиб, уларнинг илмларини ўрганлар. Бу хақида ўзлари: “Ахли тавротнинг: “Яъқуб ўгилларнинг исмлари Тавротда мавжуд. Рубийл, Шамъун, Яхудо, Вилавилар Лаё исмли аёлларидан, Юсуф, Бинямийн бошка аёллари Рохийлдан, колган олтитаси бошка икки аёлларидан” деганларинг эшитганман”, - деганлар.

Тиббиёт. Абу Лайс тафсирида замонасининг машхур табиблари сўзларини накл киладилар. Масалан муаллиф “ам яхсудуна”[14] ояти борасида Табиб Розийнинг: Барча шахватлар калбни ўлдирди. Кўшилишдан ташқари. У калбни поклайди” деган сўзини келтирган.

Яна бир мисол тариқасида “Ва кулу...”[15] оятининг тафсирини ҳам келтириш мумкин.

Фалсафа. Бу даврдаги тиббиёт илмини тушунган кишилар файласуф бўлишган. Абу Лайс ҳам фалсафини чуқур ўрганган эди. Масалан “куллама назижат”[16] оятининг тафсирида: “Динсизлар бу оятни инкор қилиб шундай деганлар...” деб уларнинг даъволари ва унга раддияларни келтирадилар.

Асарлари. Абу Лайс Самаркандийдан баракали илмий мерос колди. Илм, фан, адаб борасида кўплаб китоблар тасниф этдилар. Фикх, усули дин, тиб ва фалсафа илмларида шухрат ва мартаба козондилар.

Тафсир илмида ёзган асарлари:

«Бахр ал-улум» (Илмлар денгизи) номли тафсир. Бу тафсирнинг 3 та нусхаси сақланиб колган. Икки нусхаси Миср Араб Республикаси кутубхоналарида, бир нусхаси Эдинбург кутубхонасида сақланмоқда. Уч жилдлик ушбу асар Миср Араб Республикасининг «ал-Азхар» университети докторлари Мухаммад Муавваз, Ахмад Абдулмавжуд ва Абдулмажид ан-Нутийлар томонидан ўрганилиб, 1993 йил Байрутда нашр этилган.

Махмуд Хусайн аз-Захабий «ат-Тафсир вал-муфассирун» асарида Самаркандийнинг «Бахр ал-улум» тафсири хақида шундай деб ёзади: «Бу тафсирни кўп мартаба ўқиб чиқдим, муаллиф бир бобида салаф уламоларидан ривоят қилган холда кишиларни тафсир илмини ўрганишга чақиришини ва унинг фазилатини баён қилишини кўрдим. Сўнг араб тилини ҳамда оятларнинг нозил бўлиш сабабларини яхши билмаган холда оятларни тафсир қилиш мумкин эмаслигини баён қилган. У тафсирга бўлган хурматни нафакат ўз фикри билан, балки салаф уламоларининг сўзлари билан ҳам асослайди». «Агар бирор киши араб тилини ва оятнинг нозил бўлиш сабабларини яхши билмаса, тафсирни ўргансин, ёд олишга ҳаракат қилсин, бирор олимдан хикоя тарзида гапириб бериши мумкиндир». Муфассир салаф уламоларнинг саҳоба ва тобиъинларнинг сўзларидан келтириб тафсир қилади. Лекин у ким ривоят қилганини зикр этмайди. Камдан кам холларда санад (ривоят қилувчи) ларни айтиб ўтади. Маълум холларда кироатларга ҳам эътироз билдиради, баъзан тилга ҳам мурожаат қилиб туради. Куръондаги бир оят бошка бир оятни тушунтириб берадиган бўлса, Куръонни Куръон билан шархлайди. Исроил қиссаларидан ҳам ривоятлари учраб туради. Кўпинча, баъзилари унлай дедилар, баъзилари бундай дедилар, деб ҳам зикр этади. Баъзи кийин жойларда, ўқувчига савол бериб, сўнг унга жавоб беради. Куръонда ихтилоф ва карама-қаршилик бор деб ўйлаётган кишиларга эътироз билдириб, уларнинг шубҳаларини бартараф этади. Китоб жуда нодир маълумотларни жамлаган. Унда муфассир накл бўйича тафсир ва ақл бўйича тафсирни бир жойда жамлаб, накли жихатни ақлий жихатдан устун қўйган. Шунинг учун бу тафсирни манбаларга асосланган (маъсур) тафсир деб ҳисоблаймиз.

Фикх борасида ёзган асарлари:

1. «Хизонат ал – фикх» (Фикх хазинаси). Бу асарда ханафий мазхаби акидалари сосида мусулмон ҳуқуқшунослиги (фикх) нинг қисқача таърифи берилган. Асар 42 та мустақил китоб ва 100 дан ошқ бобга бўлинади. Асар «Китоб масоил ат-тахорат» (Тахоратга оид масалалар китоби) билан бошланиб, «Китоб ал-васоё» (Васиятлар китоби) билан тугайди. «Хизонат ал-фикх» нинг 1467 ва 1814-йиллари кўчирилган икки кўлёзма нусхаси ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда.
2. «Уюн ал масоил». (Ханафий мазхаби асослари хақида).
3. «Муқаддима Абу Лайс фис-солат». (Намоз муқаддимаси).
4. «Ан-навозил фил фатово» (Воқеалар). Бу фатволар хақида китобдир.
5. «Таъсис ан-назоир ал-фикхийя».
6. «Ал-Мабсут фи фуруъил фикх ал-Ханафий».
7. «Ан-Наводирул муқайида». (Фикхнинг нозик масалалари хақида).
8. «Шарх ал-жомиъул қабир» ва «Шарх ал-жомеъус сагир». (Мухаммад ибн ал-Хасан аш-Шайбонийнинг китобларига шарх ёзганлар).
9. «Муқаддима фи баёни ал-қабоир вас-сагоир».
10. «Фатово Абу Лайс». (бу китобда фикх фатволари жамлангандир).

Акоид борасида ёзган асарлари:

1. «Китоб мухталиф ар-ривоя» (Турли ривоятлар хақида китоб).
2. «Китоб баён акоид ал-усул» (Дин асослари коидалари баёни китоби).
3. «Китоб асрор ал-вахий» (Вахий сирлари китоби).

Худойкулов Жахонгир

ТИИ 4-курс талабаси

[1] Абдулқодир Қураший. Ал-Жавахир ал-мазийя фи тобакот ал-ханафийя. – Хиндистон: Даирот ал-маориф ан-низомия. Ж:3 С:544;

Хожи Халифа. Кашф аз-зунун. Ан асом ал-кутуб ва ал-фунун: – Истанбул: 1360-62/1941-43. Ж:2 С:1187;

Довудий. Тобакот ал-муфассирийн. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1983. Ж:2 С:245;

Хойриддин Зирикли. Ал-Аълам. – Байрут: Дар ал-илм лил-малайийн, 2002. Ж:8 С:347

[2] Катаиб аълам ал-ахбар (Кўлёзма) 126 ракам.

[3] Абдулқодир Қураший. Ал-Жавахир ал-мазийя фи тобакот ал-ханафийя. – Хиндистон: Даирот ал-маориф ан-низомия. Ж:3 С:360.

[4] Довудий. Тобакот ал-муфассирийн. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1983. Ж:2 С:346.

[5] Қутлубуго. Таж ат-тарожим фи табакот ал-ханафия. – Байрут: Дар ал-колам, 1992. Ж:4 С:224.

[6] Абдулқодир Қураший. Ал-Жавахир ал-мазийя фи тобакот ал-ханафийя. – Хиндистон: Даирот ал-маориф ан-низомия. Жавахир ал-мазийя. Ж:3 С:196.

[7] Хожи Халифа. Кашф аз-зунун. Ан асом ал-кутуб ва ал-фунун: – Истанбул: 1360-62/1941-43. Ж: 2 С:1187, 1220, 1580.

[8] Муаллиф. Тарих ат-тирос ал-аробий. – Шахар: нашриёт, йил. Ж:13 С:91.

[9]Абдулқодир Қураший. Ал-Жавахир ал-мазийя фи тобакот ал-ханафийя. – Хиндистон: Даирот ал-маориф ан-низомия. Ж: 1 С:42;

Зирикли. Ал-Аълам. – Байрут: Дар ал-илм лил-малайийн, 2002. Ж:1 С:131.

Самъоний. Ал-Ансоб. 13/432

[10] Захабий. Сияр аълам ан-нубала. – Байрут: Муассасат ар-рисалат, 1985. Ж: 21 С:438

[11] Зирикли. Ал-Аълам. – Байрут: Дар ал-илм лил-малайийн, 2002. Ж:7 С:221

[12] Захабий. Сияр аълам ан-нубала. – Байрут: Муассасат ар-рисалат, 1985. Ж:4 С:524

[13] Абдулазиз Мансур. Куръони карим маънолар таржима ва тафсири –Тошкент: 2009. С: Муъминун О:11.

[14] Абдулазиз Мансур. Куръони карим маънолар таржима ва тафсири –Тошкент: 2009. С: Нисо О: 54.

[15] Абдулазиз Мансур. Куръони карим маънолар таржима ва тафсири –Тошкент: 2009. С: Аъроф О: 31.

[16] Абдулазиз Мансур. Куръони карим маънолар таржима ва тафсири –Тошкент: 2009.
С: Нисо О: 56.